

Гулшода Ҳасанова

РУҶИМ
ТИТРОФИ

(Шеърлар)




Тошкент,
«Истиқлол» – 2007

Гулшода Ҳасанованинг асли касби ўқитувчи. Илмга ташна қалб эгаси туйғуларининг тўлқинларини шеърӣ мисраларга тизади.

Гулшода тунни кунга улаб битан шеърларидан бир кичик тўплам тайёрлади. Бу тўпламни “Руҳим титроғи” деб номлади. Шеърлар сизларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Ю 34478
091



БАҲОР

Дунё шодликларин олиб саҳарда,
Анвойи гуллардан таратиб ифор.
Хушбўй нафасларни ёқиб оламга,
Қаранг, дўстлар келди, фасли навбаҳор.

Баҳор десам, қанча кўнглим яйрайди,
Қизлар сочин ўраб нафис тарайди.
Юртимнинг Алпомиш паҳлавонлари,
Зимдан, кўз остидан аста қарайди.

Меҳр булоқларин тўлдириб элга,
Қизғалдоқ лабидан бўса олур у.
Олам шодликларин олиб кўшкига,
Йиллар нафаси-ла навбаҳор келди.

Баҳор нашидаси ила оламга,
Кўнгилга хуш ёқар наволар келди.
Оҳиста қадамлар ташлаб ногаҳон,
Сулувлар, Лайлолар ҳаволар келди.

Шу топда менинг ҳам келиб илҳомим,
Баҳор ифори-ла таратдим наво.
Эй азиз дўстларим, жон ўртоқларим,
Баҳор тилаклари сизга ҳам раво.

Тилагим шу дўстлар ва биродарим,
Баҳорий кайфият бўлсин сизга ёр.
Ушбу дамда мўъжаз қалбларингизда,
Абадий шеър билан қилгум ифтихор.

СИНФДОШЛАР

Мана бугун дўстларим, ўтмоқда ўқувчилик,
Нафақат ўқувчилик, ёшлигу уқувсизлик.
Ким ҳам унитар дейсиз, бундай азиз дамларни,
Дўстларим билан юрган ажойиб шу онларни.

Эй азиз устозларим, яна бир бор кечиринг,
Диллардаги ғамларни, сиз ҳамиша ўчиринг.
Бизга таълим ўргатган устозлар, омон бўлинг,
Биз каби ёшларга сиз, доимо билим беринг.

Мактаб йилларимиз ҳам ўтди азиз синфдош,
Кўзларимиз бу кунга, ҳечам беролмас бардош.
Энди азиз синфдош, йўл оламиз қайларга,
Бахт ва омад ҳамиша, ҳамроҳ бўлсин сизларга.

ЎҚУВЧИЛАР

Ўйноқ-қувноқ болалармиз,
Шодлигимиз уммон-уммон.
Мустақиллик лолалари,
Шўхлигимиз уммон-уммон.

Юлдузхону Гулсанамхон,
Шеър шайдоси гул шайдоси.
Юраклари титраб-титраб
Шеър тўқийди дил нидоси.

Соҳибқирон Темур бобом
Невараси биз бўламиз.
Юртни асраб ёмон кўздан
Қўриқловчи кўз бўламиз.

Барисида бор шеър ҳисси,
Куйлаяпти дўсту ёрга.
Аҳилликда бир ғайрати,
Юрт боласи, дастёр-да.

БИР ТАНИШИМГА

Нега жим турасан, ғамга кўмилиб,
Ўзингни урарсан, ёстиққа беҳол.
Тургил, қувон энди, дардларингни ют,
Курашда енгилма, ётма бу не ҳол.

Сендаги жўшқинлик, зукколик қани,
Қалбларни титратган шеърларинг қани.
Қани ўтли ёнган кўзингдаги нур,
Севинчдан куйлаган торларинг қани.

Бунча маъюс бўлиб боқма ҳаётга,
Урмагин ўзингни беҳос бир тошга.
Куйсиз юракларга сен бергин бардош,
Келгин соф кўнгилга, бўлгинда сирдош.

Яшаш керак энди, ланжликни унут,
Дарё каби ўйноқ ҳаётга сен боқ.
Нодир қўшиғингни куйлашдан толма,
Топақол ҳаётдан жўшқинлик кўпроқ.

ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Тонгда туриб, кўкка бир боқиб,
Юлдузларга яна бир боқиб.
Ўйлайману ҳаёлларим-ла,
Интиламан дунёга балқиб.

Ўқиш, ёзиш ва яна туриш,
Ортди менда дунёга боқиб.
Асли гўзал бу ажиб дунё,
Ҳаёлимда бўлиб у гўё.

Дунёнинг ишлари қизиқдан-қизиқ,
Гоҳ ташвиш , гоҳ қайғу, гоҳида кулгу.
Вужудимни ўртар ажиб бир туйғу,
Пок бўлсин ҳамиша қалбдаги туйғу.

Саҳоват гўшаси азиз диёрим,
Қабоҳатга йўл қўймас менинг орим.
Дунёда қолмаса ҳеч битта золим,
Балки бўлармиди барчаси олим.

ЙИГИТНИНГ ҶИРГОЙИСИ

Тилла қиз айтингчи, қайда бўласиз,
Излаб борар бўлсам тўйда бўласиз.

Бир гапим бор, эшитгингиз келмайди,
Менгинанинг қалбгинасин билмайсиз.

Тилла қиз деб эркаласам келмайсиз,
Ошиқлигим кўзгинамдан билмайсиз.

Ширин қиз-ей, асал қиз-ей, келмайсиз,
Шунча кутсам ёнгинамда бўлмайсиз.

МУСТАҚИЛЛИК ҚЎШИҒИ

Мустақиллик гаштин сурган,
Жажжи ўғил, қизлармиз.
Келажакнинг давомчиси,
Дўстлар, ахир, бизлармиз.

Истиқдолнинг истиқболи,
Баланд бўлгай ё насиб.
Мустақиллик қўшиғини,
Куйлайлик биз йил ошиб.

Мустақил Ўзбекистонда,
Яшамоқнинг гашти бор.
Истиқдолга эришмоқнинг,
Меҳнат, завқи, шашти бор.

ҚУШЧАЛАР

Кўкда парвоз айлар саъва миттижон,
Чуғур-чуғур сайраб гулзорлар аро.
Келгин бу ён энди сайрагин, шўх соз,
Мудроқ босиб тинглай, бўлиб беқарор.

Ёйиб қанотингни кенг чаманзорга,
Интилуран, ҳаёт барқ урар яна.
Наволаринг ёқди шоир аҳлига,
Сайрайсан, теварак завқ олар яна.

Гоҳ салқин шаббода титраган маҳал,
Дарахтлар силкиниб, елпирлар, қара.
Куйларингдан шошиб эсар саболар,
Неки баҳра олса бўлар сар-сара...

ОНА МАДҲИ

Қайда бўлсанг соғ бўл деган,
Яхшига йўлдош бўл деган,
Ҳаётга бардош бўл деган,
Инсонга сирдош бўл деган.

Бетоб кунда ҳамроҳ бўлган,
Дилларимга чироғ бўлган,
Қалби дарё онажоним,
Дилим маним, меҳр коним.

Қалбимдаги чироғимсиз,
Насиҳатгўй паноҳимсиз,
Бахтимизга бўлинг омон,
Дунё ичра ноёбимсиз.

Азизлардан азиздирсиз,
Ўнгим, тушим, аёнимсиз,
Қалби дарё онажоним,
Дилим маним, меҳр коним.

Менинг азиз онажоним,
Битдим сизга мен ашъорим.
Топдим сиздан доим паноҳ,
Меҳрибоним бўлинг ҳар вақт.

Кўнглимдаги нигоҳимсиз,
Дилимдаги қувончимсиз.
Қалби дарё онажоним,
Дилим маним, меҳр коним.

ТУН

Зулмат узра қоп-қора булутлар сўзлашмоқда,
Тунни ёриб анҳорда қурбақа бўшлашмоқда.
Олисдан жимликни чулғашиб тоғ қўйнига
Осуда бўлиб ҳар ён юлдузлар имлашмоқда.

Чигиртка чириллаб қўшиқ куйлайди,
Майсалар оралаб сакрар, бўйлайди.
Сирли-қарайману, туннинг сеҳрига,
Қаламим негадир унсиз куйлайди.

Кучук вовиллайди тинмай, бетиним,
Йўловчи йўқ, аммо йўллар кутмайди...
Ариқ лабидаги гул-у райҳонлар,
Майин шаббодадан руҳим титрайди.

Беҳос ёнгинамдан шарпа ўтдику,
Сесканиб, аланглаб, кузатиб қолдим.
Руҳимнинг аянчли кўрқувларини,
Тун сеҳрин қайтадан тузатиб қолдим.

Мудроқ босиб уйқу тортар ўзимни.
Эшик ғийқиллаши уйғотиб қўйди.
Сувнинг шириллаши аланга солиб,
Шеърга бор фикримни сўйлатиб қўйди.

НОРҲОЛ ОПА ХОТИРАСИГА

Залворли тоғлар ҳам тенг келолмагай,
Эслаймиз ёд этиб кулгуларингиз.
Хотирангиз қолди мангуга энди,
Виқорли кузатган туйғуларингиз.

Мактабда жонкуяр устоз эдингиз,
Жажжи болаларни қўлидан тутиб.
Ғам келса ҳам индамасдан, қимтиниб,
Аламларингизни ичларга ютиб.

Меҳрибон онажон эдингиз бизга,
Югуриб елсамда қайтаролмайман.
Сизнинг меҳрингиз-чи, ёқимли эди,
Истасамда энди суйкалолмайман.

Алифбе тўйини бошладингиз сиз,
Ўқувчи қалбида қолдингиз мудом.
Бугун улар энди хотирлар сизни,
Бизнинг қалбимизда бўлингиз мудом.

МУҲАББАТХОНГА

Муҳаббатхон садоқат сизга ёр бўлсин,
Келинлик ифори мадаткор бўлсин.
Муҳаббатим мангу, вафоси мангу,
Ҳар битта эътибор, тилак бор бўлсин.

Синфдошим ўксима, бахтинг кулади,
Ёринг-ла нурафшон бахтлар келади.
Сен тушган хонадон, нурга тўлади,
Синфдошим, ширин аҳдлар бўлади.

Ёринг хафа этиб, ўкситиб қўйма,
Сўнг пушаймон бўлиб дилафкор бўлма.
Қайнонанг, қайнотанг сўзин ер қилма,
Яхшилик қил доим, тилаклар йўлла...

Сенга ярашибди ҳарир рўмолинг,
Иемингга-жисмингга ҳам монанд бўлсин.
Муҳаббат юракда барқ уриб турсин,
Оиланг мустаҳкам, диллар шод бўлсин.

Чеҳранг кулгусидан ёринг қувонсин,
Меҳру оқибатдан диллар ҳам ёнсин.
Бари тилак сенга, синфдош қизим,
Бахт қасри тарк этмас бўлсанг шод сен.

ЯХШИ ОДАМЛАР

Сувда қалқияпти нилуфар гуллар,
Латофатин ёйиб зилол сувларга.
Бу булбул навоси, дилхуш сўзлари,
Яхши одамларнинг ширин сўзлари.

Тутқинликда азоб чеккан куш каби,
Ўзгалар кўнглидан қаҳр сезмайди.
Ҳасад, хиёнатнинг очиқ қўллари,
Яхши одамлардан меҳр излайди.

Яхши одамларнинг кўнгли кенг, тайин,
Ҳар инсонга эзгу бахтни кўзлайди.
Адолат йўқолиб, ғийбат кўпайса,
Ғамга ботиб, афсус дея бўзлайди.

Сувда қалқияпти нилуфар гуллар,
Латофатин ёйиб зилол сувларга.
Бу булбул навоси, дилхуш сўзлари,
Яхши одамларнинг ширин сўзлари.

ЎҚУВЧИГА

Бугун имтиҳондир, азиз ўқувчим,
Сўзлари дурдона, маъно ўқувчим.
Бор билиминг сарфла шу имтиҳонга,
Фафлат ичра ётма, доно ўқувчим.

Келажак ишончи ўзингсан, ишон,
Юртим истиқлоли сенда, билимда.
Сен-ла ҳаёт бўлур нурли бир унвон,
Файрат билан ишла, бош бўл элингга.

Элим деб, юртим деб ёниб яша сен,
Ушбу доно сўзни қалбингда тутгин.
Юртбошим сўзлари сенга аталган,
Пурмано нақлнинг мазмунин чаққин.


Сен билан мангудир бу олий неъмат,
Қадаминг ўйлаб бос, йўлларинг нурли.
Ҳар айтар сўзингни англаб гапиргин,
Сени қувонтирсин кунлар сурури.

СУЛУВСИЗ

Юзингизни ойга ўхшатдим,
Кулгингизга мен ёниб боқдим.
Эй парилар куйдирмангиз,
Қайғуларга қолдирмангиз.

Меҳрингиз севмай бўлурми,
Хуснингиз суймай бўлурми.
Севар у, ташлаб қўюрми,
Севмаса тоғдан келурми.

Лобар қизлар, ширин сўзлар,
Куйдирмангиз бунча сизлар.
Қаршингизда парвонамиз,
Лол қоламиз доим бизлар.



БАЪЗАН...

Ҳаёт, қаҳринг қаттиқ, баъзан бешавқат,
Инсонни ҳар кўйга соласан ноҳақ.
Гоҳ шодлик берасан, гоҳ оласанда,
Юракларни қийнаб қўясан ногоҳ.

Ҳаёт ташвишининг адоғи йўқдир,
Балки юмушларинг қилгандир хароб.
Балки ширин сўзни айтолмас юрак,
Шунданми йўқолди меҳр-оқибат.

Яхшилик инсонга хуш ёқар ҳамон,
Қалбингда у бўлса, учарсан омон.
Баъзан шундай бахтни тополмай гаранг,
Фақат юз бураман яхшилик томон.

ҚИШЛОҒИМНИНГ ҚИЗЛАРИ

Қишлоғимнинг гўзаллари, қўшиқ куйлар,
Олов ёқар, лапар айтар, жўшиб куйлар.
Ўқтин-ўқтин шеърлар тўқир, бир бўлишиб,
Рақсга тушар хиром айлаб гул бўлишиб.

Содда дилли қизлар кўпдир қишлоғимда,
Йигитчалар гап отурлар, шўхроғига.
Парво қилмас улар айтган сўзларига,
Бир сўз айтса келолмайди ўзларига.

Бахтли бўлинг дейман сизга сулув қизлар,
Гўзалликда тенгсиз дермиз сизни бизлар.
Орзуйимиз ушалсин деб йигит бўзлар,
Юлдузингиз кўринмаса сизни излар.

МУҲАММАД ЮСУФГА

Сабрим тугар бу ҳаётнинг қийновидан,
Лаҳза умрим қийналади синовидан.
Не тиласам Муҳаммаднинг сўровида,
Жаннат йўли ошён бўлсин Муҳаммадга.

Шоир бўлиш бордир ҳамон азалида,
Қолиб кетди ичидаги ғазалида,
Билмаймизки, қай шеър қолди назарида,
Жаннат йўли ошён бўлсин Муҳаммадга.

Хонандалар хониш қилар ёна-ёна,
Бастакорлар жило берар ғазалига.
Айтилмаган шеърим бисёр ул шаънига
Жаннат йўли ошён бўлсин Муҳаммадга.

Айтилажак сўз тополмам шаънингизга,
Сирдошликни истар эдим ўзингизга.
Қани энди қайтаолсам изингизга
Жаннат йўли ошён бўлсин Муҳаммадга.

ОНИЙ КАЙФИЯТ

Қутқаргил Оллоҳим, мен сажда қилай,
Боқайин оламга меҳр-ла қалқиб,
Негадир вайрона бўлган дил пора,
Ёримга айтаман дардимни, балким...

Зерикдим бу дунё аламларидан,
Ичим тирнаётган ситамларидан.
Қўлларим боғлиқдай, кўзим эса кўр,
Зулмат қоплаётган туманларидан.

ЁНИМДА ЙЎҚСАНУ, ЯШАЙМАН СЕНСИЗ

Вужудим сен билан, руҳим сен билан
Сен-ла гўзал борлиқ, сен баёнимда.
Қайга борай дардим кимга сўзлайин,
Ҳаётда борсану йўқсан ёнимда.

Баъзида йиғлайман кўксим қон қилиб,
Ўтли дардларимни ичимга ютиб.
Ҳаётга талпиниб яшарман сенсиз,
Армон дарахтининг гулларин сочиб.

Юрак сен биландир, дардим сен билан,
Нега бахтинг қўмсаб, келмайсан топиб.
Фарзандим кўзлари, момиқ юзлари,
Соғинч нималигин, йўқотдинг тониб.

Ширин севги азобим, ёндирмас сени,
Бунчалар гўрсану, бунча қўрқоқсан.
Ҳаётда лаззат-ла яшамайсан ҳеч,
Бергинчи ўзингга, шундайин сўроқ.

Қишнинг ҳароратли изғиринида,
Курашдим ҳаётнинг оғир дамида,
Фарзандларим учун югурдим елдим,
Чидадим мен унинг барча ғамига.

Гарчанд сен кулсангда пешвоз чиқарлар,
Дадам келди, дея хондон куларлар.
Боламнинг кулгуси сени яйратмас,
Булар ҳам улғайган кунлар келарлар.

Мен ёлғиз эмасман, йўқ ёлғиз эмас,
Отам бор, онам бор, тоғаларим бор.
Сен агар ёнимга келолмасангда,
Менга тиргак бўлган оғаларим бор.

Талпиниб яшайман, ҳаётга сенсиз,
Сен мандан, ҳаётдан юрибсан безиб.
Мен-ку яшаяпман оғир кечсада,
Бахтиёр онларни олдиндан сезиб.

ОНА ТАБИАТ

Олис кенгликларда, қирлар қўйнига,
Етиб завқ оламан, сирли тоғлардан.
Тоғлар ҳавосининг нашидасидан
Тўйиб нафас олиб, боқдим боғларга.

Ўлкам бунча гўзал табиатинг бор,
Ҳар кимни ром этган гўзал ҳуснинг бор.
Бағринг узра тўйиб-тўйиб яйрайман,
Англайман таралган нозик ишқингни.

Айни баҳор келса, кўркамсан яна,
Укам айтар қизғалдоқ унибди деб.
Майин шаббодалар елса қувониб,
Лола, қизғалдоқдай сирлашар ёниб.

Тароватинг чексиз, Она-табиат,
Бари тирик жонзот ҳузур олгайдир.
Камалак мисоли бўлиб сержило,
Тоғлар жилосидан диллар яйрайди.

Қушлар чуғуридан чўчиб уйғониб,
Атрофга боқарман сархушлик танда.
Ҳар тонг уйғотувчи қушлар мисоли,
Яшнашинг кутарман, муштоқман тонгда.

Ҳар тонг полиз узра кезиб ниҳолнинг,
Секин титрашини кузатдим унда.
Шудринг босган ўтлар сирли боқишлар -
Қалбим — табиатим титрайди бунда.

НАВРЎЗ НАФАСИ

Яшил қир адирлар, атроф кўк гилам,
Кўм-кўк либос кийди, бир қаранг.
Халқим завқланади бўлиб мастона,
Наврўзой, кел энди соғиндик яна.

Боғларга чоғланди қизалоқлар ҳам.
Баҳор шукуҳи-ку кезмоқда роса,
Чамбарак боғлабди теварак кўркам,
Соғиндик Наврўзой бўйин, нафасин.

Кўпириб оқади юракда орзу,
Олам яшаради, янграр наволар.
Наврўзой, кел энди соғиндик яна,
Сумалак қайнатар келин, момолар.

Бувижон қўлларин дуога очар,
Соғлигу омонлик риск бўлсин бутун.
Илойим айтгани бўлсин ижобат,
Наврўзой, ҳар жойга боради, кутинг.

ШОИР

Тонгда сўзни қучиб уйғонсин,
Нолалари дилларда ёнсин.
Не десакда куйсин, қувонсин,
Муҳаббати бўлсин шоирнинг.

Софлик, вафо унда бор бўлсин,
Шеърларининг парвози бўлсин.
Покиза туйғулар бетакрор бўлсин.
Муҳаббати бўлсин шоирнинг.

Ёндирмаса туролмайдилар,
Уларни ҳам кўролмайдилар.
Шоирлар жим туролмайдилар,
Муҳаббати бўлсин шоирнинг.

Хаста дилни юпатишга уринади,
Қалб тубида ойна ойдин кўринади.
Кўзларидан нималардир билинади,
Муҳаббати бўлсин шоирнинг.

Шоир аҳли жуда содда бўлади,
Ҳар нарсани эзгуликка йўяди.
Не десак ҳам яхши инсон бўлади,
Муҳаббати бўлсин шоирнинг.

АЙРИЛИҚ

Қалбим таскин топар,
Сизни эсласам.
Ҳамон йироқдирсиз,
Қанча қумсасам.

Дўстларим айтади,
Ҳамон ва ҳамон.
Эссиз ёшлигингни,
Этмагин хазон.

Қанча соғинсамда,
Ўзим йироқда.
Меҳрим яқин аммо,
Сенсиз фироқда.

Кўнгилга таскинлар
Бераман, аммо,
Ҳамон кутмоқдаман,
Қўл силтаб ғамга.

Кун кетидан кунлар
Ўтар басма-бас.
Қайғули кунлар ҳам
Ўтар сасма-сас.

Лек сизни кутишдан,
Чарчамасман ҳеч.
Меҳрим ташна бўлса—
Бу қандайин куч.

Сизни деб яшайман,
Сиз учун абад.
Кўнглингиз тусамас,
Шунчалар, наҳот.

Аччиқ сўз айтмоққа шайланганимда,
Нечун шарт юз-кўзга айттирмас юрак.

ДАДАМГА

Фисқу-фасодларга тўла бу дунё
Дард кетидан яна дардлар келарму.
Лек кўнглим сиз томон вафо ёлқини,
Дадажон меҳрингиз шунча бўларму...

Сизнинг кулгингиздан хонадон яшнар,
Онажонимиз ҳам йироқдир дарддан.
Тўйу-ҳашамларда Шерали бўлиб,
Муҳаббатим дея куйлайсиз қалбдан.

Эртага тўй бўлар қишлоқда яна,
Дўсту биродар ҳам бўлар парвона.
Қизим қўшиқ куйлар, дейсиз қувониб.
Завқ олиб яйрайман, куйлайман яна.

Онам айтар даданг хафа бўлмасин,
Боши эгик бўлиб, ғамга тўлмасин.
Душмани голиб бўб, руҳи сўнмасин,
Дадажон кулгингиз ҳеч вақт сўлмасин.

Хақиқат кетидан қувлайсиз ҳамон,
Рақиб буни билиб, чопишар мудом.
Зафар кучиб энди, бу иш нимаси,
Дадажон, кулингиз, йироқсиз ғамдан.

Қизим шоир бўлгин, дея хўрсиниб,
Армон қилиб кейин пушаймон еманг.
Фарзандларим бахти мен учун азиз,
Дадажон, пушаймон, армонда деманг.

Укам куйлар қўшиқ ором олгайсиз,
Қўшиқчи бўлгин, дея хитоб айлайсиз.
Қизингиз қалбини нечун билмайсиз,
Ажойиб шеър экан, дебон мақтайсиз.

Даладасиз ҳамон, ҳамон ишлайсиз,
Ипингиз чап кетса, асаб чархлайсиз,
Ҳалоллик рисқини, нонин тишлайсиз.
Режани тўлдириб бурчни оқлайсиз.

Ҳар дам кўзларингиз чарақлаб турсин,
Оллоҳим сизга бор паноҳин берсин.
Сизнинг қувончингиз соф ва беғубор,
Уйимиз ҳамиша бахтларга тўлсин.

Дилдан шеърлар битсам бариси камдир,
Сиз туфайли ерлар кўкка бурканди.
Омон бўлинг дея бахтимизга сиз,
Эзгулик ёр бўлсин, сизга ҳар дамда.

ОНАЛАР ЙИҒЛАМАСИН

Қуёш кулиб турсин дўстлар,
Бевақт кўк нам бўлмасин.
Инсон кулиб юрсин, бироқ,
Қалбида ғам бўлмасин.

Инсон яшаб турган жойга,
Қайғу кулфат йиғмасин.
Худойимдан сўранг дўстлар,
Онаи зор йиғламасин.

Йиғламасин жумла-жаҳон,
Ўғлонлардан ажралиб.
Қабр томон йўлламасин,
Она қалби зорланиб.

Худойимдан сўранг дўстлар,
Онажонлар шод бўлсин.
Тўй-тамоша бўлсин ҳар кун,
Худо мадаткор бўлсин.

Худойимдан сўранг дўстлар,
Бизнинг юртда тинч бўлсин.
Йигитлар омон бўлсин,
Оналар хандон кулсин.

Бўлсин шодлик, бўлсин тинчлик,
Ҳар бир юртда, ватанда.
Қаҳ-қаҳ кулгу янграсин
Ҳар битта хонадонда.

МУНДАРЖА

Баҳор.....	3
Синфдошлар.....	4
Ўқувчилар.....	5
Бир танишимга.....	6
Дунёнинг ишлари.....	7
Йигитнинг ҳиргойиси.....	8
Мустақиллик қўшиғи.....	9
Қушчалар.....	10
Она мадҳи.....	11
Тун.....	12
Норҳол опа хотирасига.....	13
Муҳаббатхонга.....	14
Яхши одамлар.....	15
Ўқувчига.....	16
Сулувсиз.....	17
Баъзан.....	18
Қишлоғимнинг қизлари.....	19
Муҳаммад Юсуфга.....	20
Оний кайфият.....	21
Ёнимда йўқсану, яшайман сенсиз.....	22
Она табиат.....	24
Наврўз нафаси.....	25
Шоир.....	26
Айрилиқ.....	27
Дадамга.....	28
Оналар йиғламасин.....	30

84 (5У)6
Ҳ31

Ҳасанова, Гулшода.
Рухим титроғи: (Шеърлар)/ Г.Ҳасанова. – Т.:
Истиқлол, 2007. – 32 б.

ББК 84 (5У)6

Адабий-бадий нашр

Гулшода Ҳасанова

**РУҲИМ
ТИТРОҒИ**

(Шеърлар)

Муҳаррир: А. Сувонов
Мусаввир: Н. Ҳақим
Саҳифаловчи: Н. Абдурауф

Босишга рухсат этилди 26.10.2007 й. Бичими 60×84 $\frac{1}{16}$.
Босма табағи 2,0. Адади 200 нусха.

«Истиқлол» нашриёти. Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30.

ХТ «Раззоқов О.Ж.» босмаҳонасида чоп этилди. Навоий кўчаси, 30.
Буюртма № 152.